

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форд

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форд

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 37. Po'latova Sevara Mahmud qizi**
HOZIRGI O'ZBEK ADABIY ME'YORIDAGI LAKUNALAR
(VOBKENT TUMANI MISOLIDA).....6
- 38. Давронова Махфуза Исроиловна**
МАВЗУ ВА МАЗМУНДА МУШТАРАКЛИК.....11
- 39. Давронова Шохсанам Ғайбуллоевна**
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК
РОМАНЧИЛИГИ.....18
- 40. Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna**
IBRONIM G'AFUROV – SHE'RSHUNOS.....26
- 41. Мусурманов Эркин Раббимович**
O'ZBEKISTON HUDUDIDAN XITTOYGA YOYILGAN
BUDDAVIYLIK G'OYASI VA MIFOLOGIYA.....34
- 42. Рузобаева Нигорахон Рахимовна**
ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АНТИТЕЗЫ В УЗБЕКСКИХ
И АНГЛИЙСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ.....40
- 43. Тўмарис Бутунбаева**
АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН МИРЗО
ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР.....47
- 44. Хажиева Феруза Мэлсовна**
ЖЕЙ ПАРИНИ ИЖОДИДА БИОГРАФИК РОМАН КОНЦЕПЦИЯСИ.....51
- 45. Zoyirova Go'zal Nematovna**
SAMANDAR VOHIDOVNING EPIGRAF QO'LLASH MAHORATI.....60
- 46. Охунова Гўзалхон Ҳамдамбековна**
ҲИКОЯ ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....67
- Тилшунослик**
- 47. Bekmurodova Firuzabonu Normurodovna**
SPECIFIC FEATURES OF CEREMONIES AND THEIR LINGUAPRAGMATIC
MEANING IN UZBEK CULTURE (AS AN EXAMPLE OF WEDDING CEREMONIES).....73
- 48. Каримов Рустам Абдурасулович**
ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСИ МАТНЛАРИНИ
ЛИНГВИСТИК ТЕГЛАШ МУАММОЛАРИ.....81
- 49. Қурбанов Мухтар Даулетбаевич**
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИТООЙКОНИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....87

50. Наргиза Рашидова ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЯДА АРАБСКИХ ОДНОКОРЕННЫХ СЛОВ, СВЯЗАННЫХ СО СФЕРОЙ ОБРАЗОВАНИЯ.....	94
51. Рустамов Дилшодбек Абдувахидович НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.....	104
52. Халилова Рухсора Рауповна ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ.....	113
53. Юлдашева Дилором Нигматовна ОСОБЕННОСТИ НЕКОТОРЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ УЗБЕКСКОГО И АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКОВ.....	119
54. Gulchehra Toshpo‘lot qizi Cho‘liyyeva OHANG SITUATIV PRAGMATIK TIZIM BIRLIGI SIFATIDA.....	127
55. Mavlonova O‘g‘iloy Hamdamovna КИНОЯНИНГ ОҒЗАКИ, ВАЗИЯТЛИ ВА ДРАМАТИК КЎРИНИШЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШ АҲАМИЯТИ.....	135
56. Рўзиева Дилфуза Салимбоевна ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РОМАН ГЕНЕЗИ СПЕЦИФИК ТАСНИФИ.....	141
57. Бойматова Дилноза Бахтиёровна УНДАЛМАЛИ ГАПЛАРДА ИФОДАЛАНГАН АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИНГ ПРАГМАТИК ВА СЕМАНТИК ВАЗИФАСИ.....	147
Таржимашунослик	
58. Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна METHODS OF TRANSLATING REALIAS IN THE NOVEL “DAYS GONE BY” BY A.QADIRI.....	153
59. Қўлдошов Ўктамжон Ўрозович ТАРЖИМАДА КОНВЕРСИВЛИК ВА АНТОНИМЛИК МУНОСАБАТИНИНГ БЕРИЛИШИ.....	160
60. Хидирова Гулнора Нарзиёевна СИНТАКСИЧЕСКИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ (НА МАТЕРИАЛЕ РУССКИХ ПЕРЕВОДОВ РОМАНА А.КАДЫРИ).....	167
61. Akhmedova Rano Ashurovna THE FEATURES OF TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS.....	174
62. Aripova Kamola Yusupovna THE DISTINCTIVE FEATURES OF TRANSLATION OF THR NOVEL “NIGHT AND DAY”.....	179

Лингводидактика

63. Jalilova Guzal G'ulomovna

'FLIPPED CLASSROOM' MODULINING GAPIRISH KOMPETENSIYASINI

RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI: 'KICHIK GURUHLI MUNOZARA' TEXNIKASI.....184

64. Ш.Б.Рахимова

НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТАЛАФФУЗ МАҲОРАТИНИ КОММУНИКАТИВ

ЁНДАШУВ АСОСИДА ОШИРИШ.....190

Журналистика

65. Садоқат Махсумова


МЕДИА МАКОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ

ЎЗГАРИШЛАР.....195

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Давронова Махфуза Исроиловна
Самарқанд давлат университети
филология факультети истиқлол даври
адаюиёти ва адабиёт назарияси
кафедраси доценти (в.б.), ф.ф.д.
e.mail: Mahfuza74@inbox.ru

МАВЗУ ВА МАЗМУНДА МУШТАРАКЛИК

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-38>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек шеърятининг йирик намояндалари Усмон Азим ҳамда Иқбол Мирзоларнинг шеърятини хусусида сўз юритилиб, уларда мавзу ва мазмунда муштарак жиҳатлар қиёсий таҳлил этилган. Шу билан бир қаторда мавзунинг ўзига хос хусусиятлари ҳар икки шоирнинг янги қарашлари асосида шакллантирилганлиги ҳақида фикр билдирилган. Усмон Азим ҳамда Иқбол Мирзо шеърятини мазмуннинг муштараклиги уларнинг шеърлари асосида қиёсланиб, ўзига хос услуби очиб берилган.

Шоир ижодида лирик қаҳрамон руҳияти, унга таъсир этган омиллар хусусида сўз юритилган. Усмон Азим ҳамда Иқбол Мирзо шеърятини бирлаштириб турувчи нуқталарга аҳамият қаратилган. Лирик кечинма ҳар икки шоир ижодида лирик қаҳрамон руҳияти орқали очилганлиги ҳамда тасвирда бу хусусиятлар қай ҳолатда зухур топганлиги ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: мавзу, мазмун, лирик қаҳрамон, лирик кечинма, шеър, мисра

Давронова Махфуза Исроиловна
доцент кафедрасы теорияси адабияти
и адабияти перйоды независимости,
филологический факультет,
Самаркандский государственный университет,
электронная почта: Mahfuzad74@inbox.ru

ОБЩНОСТЬ ТЕМЫ И СОДЕРЖАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается поэзия великих представителей узбекской поэзии Усмона Азима и Икбола Мирзо, в которой проводится сравнительный анализ общности по теме и содержанию. При этом высказывалось предположение, что особенности сюжета сформировались на основе новых взглядов обоих поэтов. В поэзии Усмона Азима и Икбола Мирзо общность содержания сравнивается на основе их стихотворений, раскрывая их неповторимый стиль.

Произведение поэта говорит о психике лирического героя, факторах, которые на него повлияли. Особое внимание уделяется моментам, объединяющим поэзию Усмана Азима и Икбола Мирзо. Лирический опыт раскрывается в произведениях обоих поэтов через психику лирического героя, а изображение дает информацию о том, в каком состоянии проявляются эти черты.

Ключевые слова: тема, содержание, лирический герой, лирический опыт, стихотворение, стихи.

Davronova Mahfuza Isroilovna

Associate professor of the faculty of Philology,
the chair of Literature Theory and Literature
period of Independence, Samarkand State University
e-mail: Mahfuzad74@inbox.ru

INTERACTION OF SUBJECT AND CONTENT

ANNOTATION

This article deals with the poetry of the great representatives of Uzbek poetry Usmon Azim and Iqbol Mirzo, in which a comparative analysis of common themes in content and content was carried out. Moreover, it was suggested that the peculiarities of the subject were formed on the basis of the new views of both poets. In the poetry of Usman Azim and Iqbol Mirzo, the interaction of content is compared on the basis of their poems, revealing their peculiar style.

The poet's work defines the spirit of the lyrical hero, the factors that influenced him. Emphasis is placed on the points that unite the poetry of Usman Azim and Iqbol Mirzo. The lyrical experience is revealed in the works of both poets through the spirit of the lyrical hero, and the image provides information on the state in which these features are manifested.

Keywords: theme, content, lyrical hero, lyrical experience, poem, verse

Мавзу ва мазун ҳақида гап кетганда, ижодкор нимани танлаган ва бу танланган тушунчани қай ҳолатда тасвирлай олган сингари савол адабиётшунос ҳамда китобхон кизиқишини орттирадиган саволлардир. Албатта, ижодкорнинг дунёқараши ҳар бир мавзунини янги мазмун билан бойитиши айни ҳақиқат. Шу сабаб қай мавзунини танламасин, қай қиррасини ёритишга интильмасин, ҳар бир жараёнда ўша ижодкорнинг қалб торини яъни индивидуал штрихлар асосида кўриш мумкин бўлади. Умуман, жамият ва шахс ўртасидаги зиддиятлар, манзаралар, даврнинг энг муҳим масалалари воқеабандлик асосида яратилган лирикада индивидуал дунёқарашга эга бўлган шахс нуқтаи назаридан ёритилади. Бу хусусият айниқса, Усмон Азим шеъриятида яққол кўзга ташланади. Тасвир этилаётган жараён эса, деталлар орқали намоён бўлади. Шоирнинг “Кийиниш” шеъри ўзининг эпик тасвирга эгаллиги ва бу жараёнда лирик қаҳрамоннинг ҳолати ва унинг ички ўй-хаёлларини ифода этган монолог ўзига хос тарзда намоён бўлганлиги билан характерланади:

Терак бўйин чўзди, мўралади тол,
Деразадан кизариб боқди шафаққа,
Манглайин тиради ойнага шамол –
Бир он давом этди лаҳзалик бу ҳол –
Киргунча аёлнинг тани кўйлаққа.[4; 23]

Бир лаҳзалик ҳолат муболаға орқали ифода этилар экан, бу ҳолат ногоҳ содир бўлган вазиятни келтириб чиқаради. Атиги бир лаҳзада терак бўйининг чўзилиши, толнинг мўралаши, шамолнинг ойнага манглайини тираши ва кўрган ҳолатидан уялгани сабаб шафақ каби кизариши тарзи жонланади. Мумтоз адабиётда ёрнинг гўзаллиги олдида ҳар бир нарса ожиз эканлиги ва бу ожизлик унинг ошиқлигини белгилашини келтириб чиқаради. Бироқ шоир мумтоз адабиётдан фарқли ўлароқ ёрнинг портретини янги қиёфада чизиб беради. Озарбайжон адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Муҳаммад Фузулий ёр образининг портретини қуйидаги тарзда яратади:

Қомати ҳам бирла бир аҳли кароматдур қошинг,
Тош ўлур, албатта, гар бош эгмаса меҳроб анго.
Чашминг аҳли назар қасдина тайин айлаян,
Нозу ғамзангдан муҳайё айламиш асбоб анго [6; 34]

Муҳаммад Фузулий тўғридан-тўғри маҳбуба ва унинг қошидаги ошиқ ҳолатининг тасвирини беради. Шу тасвир орқали илоҳий ишқни тараннум этади. Усмон Азим эса маҳбубанинг гўзаллигини унга унчалик ҳам алоқадор бўлмаган нарса-предмет, деталлар воситасида чизади. Булар терак, дераза, шамол кабилар билан жонланади. Шеър беш банддан иборат бўлиб бу ҳолат пешма-пеш ривожлантириб борилади. Мана энди нафақат ташқи муҳит, яъни табиат балки уйдаги интерьерлар ҳам бу ҳолатдан лол қолади ва турли кўйга туша бошлайди. Бу ҳолатни кўрган гилам пол устига узала тушса, девордаги суратлар бирдан тирилади, бурчаклар эса илк бора кўзларини сеза бошлашади, шифт юзтубан қулаш ҳолатига келади. Шоир халқ оғзаки ижодидаги мақол: “Деворнинг ҳам қулоғи бор”дан новаторона фойдаланади ва унга кўз бахшида этади. Шеърда миллий хусусиятлар кузатилмайди, балки Европа шеърятига яқинлашиш кузатилади. Бу эса ижодкор услубини янги қирраларини кўрсатиб беради. Кийим алмаштириш инсон ҳаётидаги оддий ҳолат. Аммо шоир бу оддий ҳолатни маҳорат даражасида тасвир этади. Шеърда шоирнинг ўзига хос тасвир услуби маҳорат даражасида эканлиги сабабли ҳам:

Аммо қайдан келар бечора таҳдид,
Ҳамқисмат оғриқда дил хира бу дам,
Кўзимдан ёш оқиб бормоқда юзга?..
Яшашга негадир берар халақит,
Диванга юзтубан ногоҳ йиқилган
Бечора халатдан таралган ғусса.

каби мисраларда ўзининг юксак мақомига эришади. Шоир бешинчи банддагина ҳолатнинг ечимини беради. Бу ҳолат халат тасвири орқали сусайтирилади. Айнан халат деталлари шеърда бутун кайфиятни ўзгартиради. Чунки шу вақтгача бўлган жараёнда воқеалар пешма-пеш ривожлантирилган бўлса, халат ёрдан айрилганлиги сабабли ғамгин қиёфага киради. Айрилиқ, айнан, халатнинг ғуссаси орқали юзага келади. Иқбол Мирзонинг “Изимдан судралиб” шеъри мазмунан юқоридаги шеърга яқин. Усмон Азим шеъридаги буюмлар тасвири ва кайфият уй ичида макон билан омухталанган ҳолда тасвирланган бўлса, Иқбол Мирзо шеърида макон кенгайди:

Изимдан судралиб келаверар йўл,
Рўпарамда ўзин ерга ташлар хор.
Ҳамма мендан сени сўрайди нукул,
Ҳамма нарса сени кутар интизор.

Мени ёлғиз кўриб, инграйди эшик,
Сесканиб тушади суврат ва девор.
Музхона силкиниб йиғлайди –эшит,
Ҳамма нарса сени кутар интизор. [2; 244]

Усмон Азим ҳамда Иқбол Мирзо бирдек бармоқ вазнидан фойдаланади. Адиб ижодида такрорланувчи мисра учрамайди, Иқбол Мирзода эса ҳар банднинг сўнгги мисраси такрорланиб ҳолатни янада кучайтириб беради. Усмон Азим сингари Иқбол Мирзо ҳам шеърни беш банддан иборат қилиб, ҳар бир банд тасвири жонланиб, ҳолат эса кучайиб бораверади. Усмон Азимда тол, шамол инсон қиёфасига кириб жонланган бўлса, Иқбол Мирзода йўл, зинапоя, панжара эшик, музхона жонланади. Усмон Азим толни деразага ўзини ўриб, шафақранг мисол тусга кирганини тасвирласа, Иқбол Мирзо ойнанинг ўзини терлаб кетганини тасвирлайди. Иқбол Мирзо ҳам Усмон Азимнинг “шифтнинг юзтубан бўлиб қўлаши” ҳолатига яқин йўлнинг ерга ўзини хор қилиб ташлаши тасвирини гўзал ифода эта олган. Усмон Азим халқ мақолидан фойланиб, деворга қулоқ бағшида этган бўлса, Иқбол Мирзо ҳам сурат, ҳам деворга жон бағшида этиб, уни сескантириб юборади. Соатнинг ўзига

тиғ уриб қўйиш ҳолати, чироқ эса қимир этмай дорга айланиши, хонтахтанинг сабр тоқати ҳолатни янада бурттиради. Шоир интерьерларни усталик билан тасвирлар экан, ҳар бир банд жонли қиёфа касб этиб бораверади. Усмон Азим барча ҳолатни биргина аёлнинг тани қуйлакка киргунича бўлиб ўтган жараён этиб тасвирласа, Иқбол Мирзо барча ҳолатни аёлнинг уйига кириб келмаётганлиги сифатида тасвир этади. Ҳар иккала шеърда хотима бир хил тарзда яқунланмайди. Усмон Азим охириги мисраларда халат ғуссаси билан тушқун кайфиятни бера олган бўлса, Иқбол Мирзо охириги бандда лирик қаҳрамоннинг бепарволиги бериш асносида шеър ритмини сусайтиради. “Ёлғиз мен бепарво, сен менга – ҳеч ким, // Менда на изтироб, на дард, на озор. // Фақат бошқаларга келади раҳмим, // Ҳамма нарса сени кутар интизор” мисралари янги кайфиятга йўл очади. Лирик қаҳрамоннинг бепарволик туйғуси эса, ўзини оқламаётгандек тасаввур уйғотади. Чунки у ҳис этиб турган туйғу нафақат деталь ёки интерьерларники балки лирик қаҳрамоннинг туйғуси сифатида ўқувчи қабул қилади.

Бугунги адабиёт ҳақида гап кетганда уни фақат анъаналар билан боғлаш тўғри эмас. Бугунги шеъриятда ғарбга хос жиҳатлар ҳам намоён бўлганлигини кузатиш мумкин. Ижодкор бирор жараённи ўрганар экан, ундан озуқа олади ва ўз асарларида унумли фойдаланади. Бу эса менталитетни четлаб ўтади ва янги қирралар касб этиб, янги қарашларни ижодга олиб киради. Худди шундай жиҳатларни Усмон Азим ижодида кўриш мумкин. Шоирнинг қуйидаги шеърига разм соламиз:

Ёлғизлик ортимдан хувиллаб қувди,
Токи йиқилгунча югурдим бетин...
Бир аёл туфлимнинг лойини ювди –
Унга севаман деб айтмаган эдим.

Қисмат масхаралаб бизни отганди
Танҳолик кечасин тор кучоғига.
Билмадим, қай маҳал аёл уйғонди
Туфли ювмоқликнинг иштиёқида.[4; 8]

Усмон Азим ўзбек миллатига хос бўлган “оила муқаддас” тушунчасини четлаб ўтади. Ёлғизликдан ёзғирган лирик қаҳрамон ўзини овутмоқ ҳамда далда топиш илинжида четдан дардига малҳам излайди. Ўзи сингари ёлғиз аёл қошига борар экан унинг дардига ва ўз армонларига малҳам топа олмайди. Шу сабаб ёлғиз аёл қилаётган ҳар бир иши унинг учун малол келади. Ҳатто “туфли ювмоқлик иштиёқида” тонг саҳарда туриб бажарган иши ҳам унинг ҳаётига мазмун бахшида этмайди.

Менга кўзи тушиб аёл қизарди,
Уялди – қўллари тушди шалвираб.
Энди у қаршимда йиғлаб турарди,
Ёмғир қўйнидаги баргдай қалтираб.

Қўймоғим шарт эди бир жасур кадам, -
Қулаб танҳоликнинг ғариб аршидан.
Чўчидим мен – меҳр кўрмаган одам –
Севги туфли ювиб чиқса қаршимдан.

Шеър авж нуқталарга қўтарила бориши билан психологик кайфият кескинлаша боради. Руҳий мувозанат шу қадар кескинлашадикки, натижада лирик қаҳрамон ҳаётида топтаган инсон келгусида унинг ҳаётига айланади. Ҳаётига айланса-да бахтига айлантира олмайди. Ёлғиз аёлга бахт бера олиш учун ўзида куч топа олган лирик қаҳрамон ундан ўзи учун ҳам бахт топа олмайди. Ҳаётнинг бир текисда бўлмаслиги, унинг паст-баландлиги ҳар доим худди мувозанатни сақлаб тура олишидек тушунчани беради. Шу сабаб ёлғиз аёл мана энди ёлғизликдан қутилади, бироқ лирик қаҳрамон эмас. У ҳаётидаги ўзгаришга тайёр бўлиши мумкин, аммо ёлғизлик уни ўз гирдобидан қўйиб юбормайди. Зеро:

Кетдим... Ёмғирдайин ўтдим-у кетдим,

Минг аср танҳолик кечди бошимдан.
 Минг аср оралаб қайтадан етдим,
 Ўша ёлғиз қолган аёл қошига.

У менга бахт берди осмондай улкан,
 Мен-чи?.. Мен қоврилдим бахтнинг доғида...
 Бедорман-у нечун уйғонолмайман
 Туфли ёвмоқликнинг иштиёкида

Инсон ҳаёти ўзи истаганидек бир оқимда оқмаслиги лирик қаҳрамон учун ҳам айни ҳақиқат. Шеърнинг мавзуси ҳам, мазмуни ҳам ўзбек шеърининг учун янгилик. Чунки ўзбек шеърининг анъаналарига эътибор қаратилса, унда ёр ва ошиқ кўнгил тушунчалари ўз ифодасини топганлигига шохид бўлиш мумкин. Бу шеърда эса икки ёлғиз ёзғирган қисматнинг ҳаёти бутунликка айланишига гувоҳ бўласиз. Бу ҳаёт талабидан келиб чиқадиган ҳулосадек гўё. Инсон борки, ҳар доим бахтга интилади. Бироқ тақдир уни қай қўйга солиши ва қисмат уни қай маконга элтиши ноаниқ. Ўзбек шеърининг бу каби ҳаётнинг туб замирига кириб бориш ва уни ҳаёт чегарасидан чиқиб кетмаган ҳолатда ифодалаш қайсидир маънода янгилик. Тўғри, ғарб шеърининг бу каби тушунчалар янгилик саналмайди. Уларда бу каби ҳаёт манзарасини ифода этиш ҳеч кимни ажаблантирмайди. Худди шу ажаблантирмаслик ўзбек шеърининг ҳам таниш бўлмоқдаки, шоир яратган шеърининг менталитетга, унинг урф-одатлари-ю, тушунчаларига тўғри келмаса-да, уни ҳаёт қисмати сифатида тўғри қабул қилади. Биз худди шундай мазмун билан яратилган яна бир шеърга дуч келишимиз эса фикримизни исботлайди. Бунинг учун шоир Иқбол Мирзо ижодига назар ташлаймиз:

Муҳаббатсиз кечди бу висол,
 Мен муродсиз мақсадга етдим.
 Туни билан ялинди аёл,
 Келаман деб алдадим – кетдим.

Йўлкўрсаткич бўлди хазонлар,
 Дайдибадар елга айландим.
 Ўтди ойлар, ўтди замонлар,
 Яна ўша менга айландим.[2; 286]

Иқбол Мирзо яратган лирик қаҳрамон Усмон Азим яратган қаҳрамондан бироз фарқланади. У фақат бугун дея яшаётган инсон қиёфасида акс этади. Усмон Азимнинг қаҳрамони эса ёлғизликдан ёзғирган инсон сифатида гавдаланган эди. Иқбол Мирзо Усмон Азим яратган қаҳрамонни такрорламайди. Бир хил йўналишда ижод этишган бўлса-да, бироқ бу мавзуга ёндашиш икки хил. Ҳар икки ижодкор ҳам ўз услубидан келиб чиққан ҳолда мазмунга эътибор қаратишади. Шу сабабли Иқбол Мирзодаги қаҳрамон бироз шўх, фақат бугунни ўйлайдиган инсон бўлиб шаклланади. Усмон Азимнинг қаҳрамони эса ёлғизлик жон-жонидан ўтиб кетган. Ҳар икки қаҳрамонда ҳам ўхшашликлар бор, албатта. Уларнинг ҳар иккаласи нотаниш аёл ёнида. Усмон Азим шеърининг психологик кайфият устунлик қилади. Шу боис ҳам лирик қаҳрамоннинг, ҳам ёлғиз аёлнинг руҳий ҳолати тўлиқ ёритилади. Иқбол Мирзо шеърининг эса фақат лирик қаҳрамоннинг ҳаёти гавдаланади:

Яна бордим тиланиб висол,
 Ҳасратимни айтдим-айтмадим.
 Мени итдек ҳайдади аёл,
 Мен вафодор итдек кетмадим.

Ташна эдим, ичим ёнарди,
 Лойқа бўлсин, сув керак эди.
 Шу кеч фақат уни хоҳлардим,
 Менга фақат у керак эди.

“Бадий адабиёт гўзаллик асосига бино бўлиши лозим. Инсон қалби нақадар гўзал, нақадар олийжаноб ва холис бўлса, унинг асари шу даражада улуғворлик касб этади. Агар ижодкор ишқни тасвирамоччи бўлса, бу бебаҳо мавзун авайлаши, покиза юрак билан ёзгани маъқул. Ишқ-муҳаббат билан ҳирс ўртасида катта фарқ бор. Ҳирсий майллар баёнини айрим ёзувчилар муҳаббат йўлида асар битганига алмаштириб қўйдилар. Ишқ жавҳари нафс ва ҳирс ботқоғига кўмилмасин”[1; 257]. Усмон Азим ҳамда Иқбол Мирзо яратган шу икки шеърда разм солар эканмиз, ҳар иккаласида ҳам ҳиссиётни авайлаб ва шу орқали ўқувчига тақдим этилган. Ҳирсий майл шеърда берилган бўлса-да, асосий эътиборни бири психологик ҳолатга қаратса, бири ўқувчи туйғусини авайлашга қаратади. Шеърни ўқир эканмиз, бепардоз бирор мисрага дуч келмаймиз. Шоирлар ҳаётни четлаб ўтишни исташмайди. Улар бу каби ҳолатлар ҳаётда рўй беражаги, бераётганлигини муқаррар деб билганликлари боис шундай мазмунда шеър ёзишга бел боғлашган. Менталитетга тўғри келмаса-да, бу шеърни ўқиш ва уни маъзини чақиш ихтиёрини ўқувчида қолдиради. Чунки шеърда эстетик моҳият, гўзаллик тушунчаси барқ уриб туради:

У барибир қилмади шафқат,
Кулфлаб олди дарбозасини.
Юлдузларни қучгунча шафқат
Пойлаб ётдим остонасини.

Тонгда сўқдим, бўралаб роса,
Қасам ичиб, қайтдим ортимга.
Бугун кимдир, фаришта, деса,
Ўша аёл келар ёдимга.

“Умуман олганда модерн шеърият тилини ўқиш, англаш осон эмас. Бу шеърият дунёсини теран англаш учун айни шу дунё ичида яшаш, бу оламнинг одами бўлиш лозим. Модерн шеъриятнинг, умуман, модерн адабиёт, санъатнинг ҳаёт, жамият билан алоқаси анъанавий реалистик адабиёт, санъатникидан тубдан фарқ қилади. Модерн шеъриятда “одамларнинг тили учидан турган сўзни айтиш”, одамлар-замондошлар кайфиятини ифодалашга интилиш йўқ ҳисоб”[5; 166]. Иқбол Мирзонинг “Муҳаббатсиз висол ҳақида ҳикоя” номли ушбу шеъри биз кутмаган ҳолатда яқунланади. Шоир бермоқчи бўлган ечим эса сўз уйини асосида ўқувчининг ихтиёрига қолдирилади. Дарҳақиқат, модерн шеъриятни англаш ва уни тушиниш мушкул. Зотаан, у билан ҳамнафас нафас олмас экансиз, унинг ортида қолишингиз табиий ҳол. Юқоридаги икки шеърда ҳам мазмунни тушуниш ўқувчига қийинчилик туғдирмайди. Аммо уни англаш осон иш эмас. Демак, Усмон Азим ҳамда Иқбол Мирзо ҳам модерн шеъриятни ўқувчига тақдим этишади.

Иброҳим Ғафуров Абдулла Қодирий ижодига бағишланган бир мақоласида “Сўз унинг учун – ҳаёт, ҳаёт унинг учун сўз” деган фикрларни баён этган эди. Бу каби таъриф фақат Абдулла Қодирийга эмас, барча ижодкорларга тааллуқлидир. Юқорида келтирилган шеърлар ҳам барчани бефарқ қолдирмайди.

Хуллас, бугунги шеъриятда эътибор қаратилса, унда мавзу ҳамда мазмун муштараклигини кузатиш мумкин. Бироқ бу муштараклик бир хил ифода тарзида берилмаслиги, унда муайян шоирнинг индивидуал хусусиятларининг кузатилиши шеърнинг янги бир руҳда жаранглашига сабаб бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Баҳодир Карим. Рухият алифбоси. –Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016, - 364 бет.
2. Иқбол Мирзо. Сизни куйлайман. –Тошкент:Шарқ, 2007, 244-бет.
3. Усмон Азим. Фонус. –Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2010 йил, 23-бет.
4. Usmon Azim. Sog’inch. – Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2007, 8-bet.

5. Улуғбек Ҳамдам. Янгилаиш эҳтиёжи. –Тошкент: Фан, 2007, - 195 б.
6. Фузулий. Ғамзасин севдинг кўнгил. –Тошкент: Шарқ, 2009 йил, 34-бет.

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1